

**ШАРТНОМА № 18К**  
(Смета хужжатларини ишлаб чиқиши)

Урганч ш.

“ 13 ” июл 2022 йил

Хоразм вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси (кейинги ўринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи бошлиғи **Ф.М.Садуллаев** бир томондан ва “**Xorazm yo'l ko'priki qurilish**” МЧЖ (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан Устав асосида иш юритувчи директори **Н.Сандов** иккинчи томондан куйидаги шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети ва муддати.**

1.1. Бажарувчи Хоразм вилояти давлат аҳамиятдаги автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ишларига смета хужжатларини ишлаб чиқишни бажариш мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи смета хужжатлари ишларини бажариш билан боғлиқ ҳуқуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.4. Бажарувчи смета хужжатлари ишларини буюртмачи томонидан бирламчи маълумотлар тақдим этилиб, 30 фоиз миқдорида аванс тўлови амалга оширилгач бажаради.

1.5. Бажарувчи смета хужжатлари ишлари бажрилгач 3 (уч) нусхада мазкур смета хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

**2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари.**

2.1. Мазкур шартнома танлов (Лот №115074) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг 2022 йил “ 7 ” июлдаги 3/910-сонли баённомаси қарори буйича «Бажарувчи» томонидан бажариладиган смета ишлари қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмаларини ва пудратчининг бошқа харажатларини ичига олган ҳолда жорий нархларда **38 200 000 (Ўттиз саккиз миллион икки юз минг) (ҚҚС билан)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича хар (режалаштирилган) ойнанинг иш қийматининг 30 фоизидан кам булмаган миқдорда аванс маблағ ўтказди.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи смета хужжатлари ишлари ишлаб чиқиб Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, 15 кун мобайнида дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдорида) ушлаб қолиниб молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

- Дастлабки ҳисобланган смета хужжатлари ишлаб чиқиш шартнома қиймати Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзолаш асосида ўзгартилади.

**3. Томонлар мажбуриятлари.**

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчи тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши, тайёрланган смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатишган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар (Нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) ни 10 (ўн) иш куни мобайнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Смета хужжатлари ишларига камчиликлар аниқланса тақдирда Бажарувчи

Буюртмачининг талаби билан смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

#### 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Мазкур шартнома асосида лойиха смета хужжатларини бажариш 5 кун этиб белгиланади.

Ишларнинг бошланиши 13 07 2022 йил

Ишларнинг тугалланиши 31 12 2022 йил

Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабргача.

4.2. Смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган хужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2.- бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга смета хужжатлари бўйича ҳулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.7. Смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

#### 5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш.

5.1. Смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

#### 6. Низоларни ҳал этиш.

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### 7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартномага қўшимча битим кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ҳазначилиқда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишувига ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

## 8. Форс-мажор.

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ўки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариши муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

## 9. Қўшимча шартлар.

9.1. Бажарувчи смета хужжатлари ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уш Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариши учун, Шартномада белгиланган муддатларга рноя қилинишини ишобатга олган ҳолда, учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ўки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ўки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.7. Шартнома тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча қадар амал қилади.

## 10. Томонларнинг маъзили ва ҳисоб рақамлари.

### Буюртмачи

Хоразм вилояти автомобиль йўллари  
худудий бош бошқармаси

Хоразм вилояти Урганч шаҳри

Хива шох куча 1 км х/р:

ШХР: 304510860334017045182118001

ИНН: 201715124 ОКОНХ:97400

Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги Ғазначилигининг

Амалиёт бошқармаси

х/р 2340 2000 3001 0000 1010

Марказий банк Тошкент ш. бош

бошқармаси ХККМ


МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Бошқарма

бошлиғи:

 Ф.М.Садуллаев

Юрист:

 А. Павлов

### Бажарувчи

“Хоразм уо’л ко’прик қурилиш” МЧЖ

Урганч ш. Партов кучаси 6-уй пр-2

Телефон: 97 7916525

Х/р: 20208000904600825001

ТИФ Миллий банк Урганч булими

МФО 00547


ИНН 300 384 037

ОКОНХ 61110

Директор:

 Н.Сандов





Хоразм вилояти автоноibia бўлган ҳудудий билим баъкарақиснинг ўзбекистон Республикаси билан бирга амалиёт  
автоноibia бўлган ҳудудий билим баъкарақиснинг ўзбекистон Республикаси билан бирга амалиёт

НАРАҚАТЛАР СЫРАТАШИ

№	Қурилма ва бўлақ исми	Қурилма ва бўлақ билим	Бўёқ	Тарғи	Модель ва қилиш йиллари	Замонот	2022 йил реҷисети	1-сўрақ			II-сўрақ			III-сўрақ			IV-сўрақ					
								ИД йўли билан			ИД йўли билан			ИД йўли билан			ИД йўли билан			ИД йўли билан		
								Жами	январь	февраль	март	Жами	апрель	май	июнь	Жами	июль	август	сентябрь	Жами	октябрь	ноябрь
1	"Ушарқис" ўқуш йўли	7045180	118	42	33	000	7 685 648,00	1 411 655,5	1 411 655,5	287 218,5	287 218,5	3 854 088,8	1 468 313,6	453 313,6	1 898 962,8	253 313,6	253 313,6	253 313,6	253 313,6			
2	Искандер алимшариф бўлақ	7045181	118	42	33	100	40 000,00	0,0	0,0	0,0	0,0	40 000,0	40 000,0	40 000,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0			
3	Давлат алимшариф бўлақ	7045182	118	42	33	100	6 645 648,00	411 655,5	1 37 218,5	1 37 218,5	3 854 088,8	2 103 313,6	553 313,6	2 07 437,8	253 313,6	253 313,6	253 313,6	253 313,6	253 313,6			
3	Милалов алимшариф бўлақ	7045183	118	42	33	100	400 000,00	150 000,0	50 000,0	50 000,0	250 000,0	1 25 000,0	100 000,0	25 000,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0			
3	Зайит алимшариф бўлақ	7045184	118	42	39	000	40 000,00	0,0	0,0	0,0	40 000,0	40 000,0	40 000,0	40 000,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0			
3	Давлат алимшариф бўлақ	7045181	118	42	39	000	1 000,00	0,0	0,0	0,0	1 000,0	1 000,0	1 000,0	1 000,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0			
3	Милалов алимшариф бўлақ	7045182	118	42	39	000	40 000,00	0,0	0,0	0,0	40 000,0	40 000,0	40 000,0	40 000,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0			
3	Милалов алимшариф бўлақ	7045183	118	42	39	000	3 000,00	0,0	0,0	0,0	3 000,0	3 000,0	3 000,0	3 000,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0			
1	Ушарқис алимшариф бўлақ	7045180	118	42	33	000	7 131 648,00	1 611 655,5	1 37 218,5	1 37 218,5	4 600 088,8	2 514 313,6	853 313,6	832 407,8	253 313,6	253 313,6	253 313,6	253 313,6	253 313,6			
2	Давлат алимшариф бўлақ	7045181	118	42	33	100	41 000,00	0,0	0,0	0,0	41 000,0	41 000,0	41 000,0	41 000,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0			
3	Милалов алимшариф бўлақ	7045182	118	42	33	100	6 655 648,00	1 461 655,5	1 37 218,5	1 37 218,5	3 794 088,8	2 343 313,6	553 313,6	807 407,8	253 313,6	253 313,6	253 313,6	253 313,6	253 313,6			
3	Милалов алимшариф бўлақ	7045183	118	42	33	100	1 001 496,00	411 655,5	1 37 218,5	1 37 218,5	3 39 408,8	1 53 313,6	153 313,6	153 313,6	153 313,6	153 313,6	153 313,6	153 313,6	153 313,6			
	Жами						405 000,00	150 000,0	50 000,0	50 000,0	255 000,0	130 000,0	100 000,0	25 000,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0			

